

“Ёш божхоначи” кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги Низом

1-боб Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси (кейинги ўринларда — БҚ) ва Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг (кейинги ўринларда — вазирлик) 2022 йил 21 мартағи 3/02-22-7 ва 12 к/к-сон қарори билан тасдиқланган БҚнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармаларига (кейинги ўринларда — худудий бошқармалар) бириктирилган умумтаълим мактабларида божхона иши йўналишида таълим ва тарбия ишларини ташкил этиш, ёшларни божхона соҳасига қизиқишини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган бўлиб, БҚга бириктирилган умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ўртасида “Ёш божхоначи” кўрик-танловини (кейинги ўринларда — танлов) ташкил этиш, ўтказиш, ғолибларни аниқлаш ва рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Танлов худудий бошқармаларига бириктирилган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг божхона содасига қизиқишиларини янада ошириш, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш, назарий билим ва амалий кўникмаларни ошириш мақсадида ташкил этилади.

3. Танлов ягона илмий-услубий ёндашув асосида адолатлилик, қонунийлик ва шаффоффлик тамойиллари асосида ўтказилади.

4. Танловда худудий бошқармаларига бириктирилган умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.

2-боб. Танловни ташкил этиш

2.1. §. Танловни ташкил этиш босқичлари

5. Танлов қўйидаги икки босқичда ташкил этилади:

биринчи босқичда — ҳар йили декабрь ойида БҚнинг худудий бошқармаларига бириктирилган мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилади ҳамда худудий ғолиблар номзоди аниқланади.

иккинчи босқичда — ҳар йили январь ойида ўтказилади ҳамда худудларда 1-ўринни эгаллаган ўқувчилар ўртасидан республика ғолиби аниқланади.

6. Танловнинг ҳар бир босқичи қўйидаги шартларда ўтказилади:
умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш - “30” балл;
компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим даражасини баҳолаш - “30” балл;

“Божхона олами” ўқув услугбий қўлланмаси бўйича ёзма синов - “20” балл;

оғзаки савол-жавоб - “20” балл.

Танлов якунлари ҳакамлар ҳайъати томонидан жами 100 баллик тизимда баҳоланади.

7. Танловнинг ҳар икки босқичи учун назорат материаллари ҳамда уларни баҳолаш мезонлари, вақт меъёрлари, умумжисмоний ҳолатларини баҳолаш тартиби Божхона институт томонидан тайёрланади ва ҳар йили ҳар бир босқичи бошланишига камида 15 кун қолганда Низомнинг 9-бандида назарда тутилган тегишли ташкилий қўмитага топширилади.

2.2.§. Ташкилий қўмита

8. Божхона институти ва ҳудудий бошқармалар томонидан ҳар йили 10 ноябрга қадар вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларини жалб этган ҳолда танловни ташкил этиш бўйича тегишлича Республика ва ҳудудий ташкилий қўмиталар тузилади.

9. Қуйидагилар ташкилий қўмиталарнинг вазифалари ҳисобланади:

танлов ўтказиладиган жой, муддатларни Низомнинг 5-банди доирасида белгилаш ва тасдиқлаш;

тегишли ҳакамлар ҳайъати таркиби, апелляция комиссияси аъзолари, аудитория раҳбарлари рўйхатини шакллантириш;

танловнинг Низом талаблари асосида ўтказилишини таъминлаш; танловнинг ташкил этилиши, ўтказилиши ва натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш;

биринчи босқич танлов натижалари бўйича ҳакамлар ҳайъати қарори асосида ғолибнинг кейинги босқичда иштирок этиши бўйича тавсияни юқори турувчи ташкилий қўмитага тақдим этиш.

2.3.§. Ҳакамлар ҳайъати

10. Ташкилий қўмиталар томонидан тегишлича Республика босқичи учун 5 киши, ҳудудий босқич учун 3 кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати тузилади.

11. Ҳудудий босқич бўйича ҳакамлар ҳайъати таркибига БҚнинг тегишли ҳудудий бошқармаларидан 1 нафардан, вазирликнинг ҳудудий бошқармаларидан 1 нафардан, танлов ўтказилаётган мактабдан 1 нафар, Республика босқичи бўйича ҳакамлар ҳайъати таркибига БҚ ва Божхона институтдан 3 нафар ҳамда вазирликдан 2 нафар юқори малакали ходимлар киритилади.

12. Ҳакамлар ҳайъатининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

танлов жараёнида бериладиган назорат материалларини экспертизадан ўтказиш;

танлов иштирокчилари томонидан бажарилган ишларни тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида холисона текшириш, баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш;

натижаларни танлов ўтказилган куни эълон қилиш;

ўтказилган танлов натижалари бўйича қарор қабул қилиш ва ташкилий қўмитага тақдим этиш.

13. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари танлов ғолибларини холисона аниқлаш ва назорат материалларининг маҳфийлигини таъминлашга шахсан жавобгар ҳисобланади.

2.4.§. Танлов синовларини ўтказиш тартиби ва уларни баҳолаш

14. Тегишли ташкилий қўмита томонидан танлов бошланишидан аввал танловнинг ёзма синов шарти ўтказиладиган ҳар бир хона учун 1 нафар аудитория раҳбари (Божхона институти ходими) ва 1 нафар кузатувчи (БҚнинг худудий бошқармаси ёки Божхона институти ходими) тайинланади.

15. Аудитория раҳбарлари:

иштирокчиларга танловнинг синов шартларининг тартиб-қоидалари тўғрисида қисқача тушунтиради;

танловнинг синов шартлари бошланиши ва тугаш вақтини эълон қиласи ҳамда танлов жараёнини назорат қиласи;

танловнинг синов шартлари жараёнида ўрнатилган тартиб-қоидаларга амал қилмаган иштирокчиларни танловдан четлаштиради;

иштирокчилар томонидан бажарилган ёзма синов шарти билан боғлик ишларни шифрлаб, текшириш учун ҳакамлар ҳайъатига топшириади;

ҳакамлар ҳайъати томонидан текширилган ишларни шифр бўйича рўйхатини тузади ва ташкилий қўмитага тақдим этади;

аудитория кузатувчилари ўзлари бириктирилган танловнинг синов шартлари ўтказилаётган аудиторияда тартиб сақланишини ва танловни ўтказиш билан боғлик тартиб-қоидаларга риоя қилинишини таъминлайдилар.

16. Танловнинг худудий ва республика босқичида синовларда бериладиган саволлар ва улар асосида билетлар (вариантлар) Божхона институти томонидан тузилади.

Тузилган билетлар (вариантлар) конвертда муҳрланган ҳолда тегишли ташкилий қўмитага танлов ўтказилишидан 5 кун олдин етказилиб берилади (билетлар (вариантлар) худудий ташкилий қўмиталарга БҚнинг ахборот тизимлари орқали электрон шаклда етказилиши мумкин).

17. Республика ва худудий ташкилий қўмита таркибидаги ходимлар, шунингдек, танлов билетларни (вариантлар) тузишга жалб қилинган Божхона

институти профессор - ўқитувчилари танлов билетлари мазмунини ошкор қилмасликка мажбурдир.

18. Танловнинг худудий ва республика босқичида иштирок этаётган иштирокчилар оғзаки савол-жавобда танлаган билетлари бўйича тегишли равишда худудий ва республика ҳакамлар ҳайъатига жавобларни оғзаки баён этади.

19. Ёзма синов шаклида ўтказиладиган танлов босқичларида баҳоларнинг холислигини таъминлаш мақсадида иштирокчиларнинг ёзма иш жавоб варагалари аудитория раҳбарлари томонидан идентификация кодлари бериш йули билан шифрланади.

20. Аудитория раҳбарлари ҳакамлар томонидан текширилган ва баҳолангандан ёзма ишларни шифрлайди ҳамда ёзма иш натижалари акс этган иштирокчилар рўйхатини ҳакамлар ҳайъатига тақдим этади.

21. Танлов давомида иштирокчилар томонидан телефон ва турли алоқа воситаларидан фойдаланиш, ўзаро гаплашиш ва турли хил қўшимча манбалардан фойдаланиш тақиқланади. Бундай ҳолатлар аниқланган тақдирда иштирокчи танловдан четлаштирилади ҳамда бажарган ишлари текширилмайди ва баҳоланмайди.

2.5.§. Апелляция комиссияси

22. Ҳудудий босқич бўйича Апелляция комиссияси таркибига БҚ худудий бошқармалардан ва тегишли мактабдан 1 нафардан ходим, Республика босқичи бўйича Апелляция комиссияси таркибига БҚ ва Божхона институтдан 1 нафардан ҳамда вазирликдан 1 нафар ходимлар киритилади.

23. Апелляция комиссияси танловнинг тегишли босқичи натижалари юзасидан иштирокчиларнинг шикоятларини қўриб чиқади;

Ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолангандан иштирокчининг бажарган ишида баҳолаш мезонларига мос келмаслик ҳолатлари аниқланганда апелляция комиссияси ҳакамлар ҳайъати қарорини бекор қиласди ёки ўз кучида қолдиради. Бунда апелляция комиссияси ҳакамлар ҳайъатига апелляция натижалари бўйича изоҳ бериб, танлов натижаларини ўзгартириши мумкин ва бунда ҳакамлар ҳайъати қарори қайта тасдиқланади.

24. Апелляция комиссияси томонидан танлов иштирокчиларининг аризалари танловнинг тегишли босқичи натижалари эълон қилинган куннинг ўзида қабул қилинади.

Апелляция жараёнида ҳакамлар ҳайъати аъзолари, танлов иштирокчиси ва унинг ўқитувчиси иштирок этиши мумкин.

3-боб. Танлов ғолибларини аниқлаш ҳамда уларни тақдирлаш

25. Танловнинг тегишли босқичида иштирокчилар томонидан бажарилган барча шартларнинг натижалари умумлаштирган ҳолда баллар кетма-кетлигига 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган иштирокчилар ғолиб ҳисобланади. Иштирокчиларнинг баллари тенг бўлиб қолган тақдирда, кўшимча 1 та ёзма ва 1 оғзаки савол бериш йўли билан ғолиб аниқланади.

Танловнинг ҳудудий босқичида 1-ўринни эгаллаган ғолиб иштирокчи республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

26. Ҳудудий босқич бўйича ғолибларнинг ишларини баҳолаш натижасига кўра, биринчи ўрин I даражали диплом ва БҚнинг ҳудудий бошқармаси қимматбаҳо совғаси, иккинчи ўрин II даражали диплом ва Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармасининг қимматбаҳо совғаси, шунингдек, учинчи ўрин III даражали диплом ва Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг ҳудудий бошқармаси томонидан қимматбаҳо совға билан тақдирланади.

27. Республика босқичи бўйича ғолибларнинг ишларини баҳолаш натижасига кўра, биринчи ўрин I даражали диплом ва БҚнинг қимматбаҳо совғаси, иккинчи ўрин II даражали диплом ва Ёшлар ишлари агентлигининг қимматбаҳо совғаси, шунингдек, учинчи ўрин III даражали диплом ва Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг қимматбаҳо совға билан тақдирланади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

28. Танловни ташкил этиш, ўтказиш ва ғолибларни мукофотлаш билан боғлик харажатлар БҚ, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг махсус жамғармалари маблағлари ҳисобидан қопланади.

29. Танловларнинг барча босқичларида иштирокчиларнинг танлов ўтказиладиган жойга келиб-кетиши, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча ташкилий чора-тадбирларни кўриш БҚнинг ҳудудий божхона бошқармалари зиммасига юклатилади.

30. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.